

---

Ўзбекистон туманида сўнги 5 ой давомида маҳаллалардаги ўттиздан зиёд трансформатор мукаммал таъмирланди

Ўзбекистон туманида аҳоли хонадонлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида электр таъминотини яхшилаш, тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан ҳудудларда Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси тасдиқлаган режа-дастурга асосан паст кучланишли электр узатиш тармоқлари ҳамда трансформатор пунктларини жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг феврал ойидан буён “Авфон”, “Фаровон келажак”, “Сочтепа”, “Катта Тағоб”, “Беруний” ва яна бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жойлашган қуввати турли русумдаги 30 дан зиёд трансформатор пункти ва улардан чиқувчи 0.4 кВ электр узатиш тармоқлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Хусусан, трансформатор пунктларини бўйаш, монтаж қилиш, носоз электр қурилмаларини янгилаш ишлари бажарилди.

Ҳудудларда электр таъминотини яхшилаш, электр қурилмалари ва электр узатиш тармоқларини таъмирлаш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда.







2023-06-24 18:25:31